

ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 28.01.2022 г. №6

между "YAXSHI KO'L" MCHJ и Пахтакор туман МТБ на общую сумму 4 650 000

Глава 251
Казначейский лицевой счёт 100022860082287091100251016

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4252300			
Январь	4 650 000,00			4 650 000,00
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	4 650 000,00			4 650 000,00

Всего 4 650 000 сум

Турт миллион олти юз эллик сум сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 1395000 сум или 30,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в январь мес. 20 22 г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный 30 % , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до 31 числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика в.в/б



(Handwritten signature)
(подпись)

Х.Бабаева
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика в.в/б

(Handwritten signature)
(подпись)

У.Шукуров
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(Handwritten signature)
(подпись)

« » 20 г.

« » 20 г.

6-сонли махсулот етказиб бериш шартномаси

Пахтакор шахри

28 январ 2022 йил

"YAXSHI KO'L" МЧЖ (кейинги ўринларда "Сотувчи") низом асосида иш олиб борувчи Эшмуродов Олим Рўзиқулович орқали бир томондан ва Пахтакор тумани Мактабгача таълим бўлими (кейинги ўринларда – "Харидор") низом асосида иш олиб борувчи Бабаева Хожар Бабай кизи орқали иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

1. Шартнома предмети

1.1 "Сотувчи" ўзига тегишли молк-мулкни "Харидор"нинг мулки қилиб беради, "Харидор" эса молк-мулкнинг хақи шартноманинг 4.1-бандига асосан тўлангандан кейин олиш ҳуқуқига эга бўлади.

1.2 Молк-мулк тўғрисида маълумот:

Т/Р	Махсулот номи	Фойдала-ниш кафолат муддати (йил, ой, кун)	Ўлчов бирлиги	Сони	Қиймати	Суммаси
1	Балиқ гўшти (музлатилган)		кг	155	30000	4 650 000
	Жами					4 650 000

2. Шартнома нархи (қиймати)

2.1. Шартнома баҳоси: Турт миллион олти юз эллик сум ташкил қилади.

3. Тўлов шартлари

3.1. Ушбу шартнома бўйича тўлов пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

4. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

4.1. Харидор томонидан шартнома асосида олинаётган товарлар учун олдиндан 30 % туловни амалга оширади, қолган 70 % и махсулотни олган кундан бошлаб 20 кун ичида тўлаб берилади.

4.2. Харидор Сотувчининг ҳисоб рақамига аванс тўлови ўтказгандан сўнг, сотувчи харидорга молк-мулкни 3 кун вақт ичида бериши шарт.

Ушбу шартнома белгиланган тартибда Ҳазначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ҳамда "31" декабр 2022 йилгача амал қилади.

5. Тарафларнинг мажбуриятлари

5.1. Сотувчи мажбурияти:

5.1.1. Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида "Харидор" мол-мулкни сифати лозим даражада бўлган мол-мулкни етказиб бериш;

5.1.2. Тегишли даражада сифатсиз махсулот юборилганлиги тўғрисида хабарнома олгандан сўнг сифатли бўлмаган мол-мулкни 5 кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

5.2. Харидор мажбурияти:

5.2.1. Махсулотни олиб ҳисобварақ-фактура тузган ҳолда ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб муддатида махсулотни қабул қилиб олади.

5.2.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулк келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда далолатнома ёзилиб, 24 соат ичида сотувчини огоҳлантириш.

5.2.3. Молк-мулк баҳосини ушбу шартномада белгиланган миқдорда ва муддатда тўлаш.

6. Коррупцияга қарши шартлар

6.1. Томонлар қуйидагиларга мажбур:

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши қонун ҳужжатлари талаблари бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар/ҳаракатсизликларга йўл қўймаслик. Коррупцияга қарши қураш ва/ёки коррупцион характерга эга бўлган, шу жумладан (лекин улар билан чекланмаган ҳолда) пора бериш ёки пора олиш, товламачилик, пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш ҳолатларига йўл қўймаслик.

- Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимларини ёки ваколатли вакилларини ҳар қандай йўл билан рағбатлантиришни, шу жумладан пул маблағлари, совға-саломлар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки меҳнат муносабатларини таъминлашга қаратилган ишларни бажариш йўли билан рағбатлантиришни рад этишлари, ходим ёки унинг ваколатли вакили уни рағбатлантирувчи томон фойдасига ҳар қандай ҳаракат/ҳаракатсизликни амалга оширишига йўл қўймаслиги.

6.2. Агар Томон Шартноманинг 6.1-банди қоидаларининг бузилиши содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилса, ушбу Шартнома бўйича тегишли Томон бу ҳақда бошқа Томонни хабардор қилиш

мажбуриятини олади, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари аниқланган тақдирда, бу борадаги ваколатли органларни амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хабардор қилади

7. Тарафларнинг жавобгарлиги

7.1. Сотувчи мол-мулкни тўлиқ етказиб бермаганлиги учун Харидорга етказиб берилмаган ҳар бир кун учун мажбуриятни бажарилмаган қисмининг 0.5 %и миқдориди пеня тўлайди, лекин бунда пенянинг умумий суммаси кечиктирилган мол-мулк баҳосининг 50 % идан ошиб кетмаслиги зарур.

7.2. Тегишли даражада сифатли бўлмаган мол-мулкни Сотувчи оловчига сифатли бўлмаган мол-мулк баҳосининг 20 %и миқдориди жарима тўлайди.

7.3. Мол-мулк учун сотиб олувчи ўз вақтида тўламаганлиги учун сотиб олувчи сотувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 %и миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

7.4. Неустойка (жарима, пеня) тўлаганлигидан қатъи назар, шартнома мажбуриятларини бузган тараф иккинчи тарафга ана шу зарар оқибатида ўзи етказган зарар қисмини ҳам қоплайди.

8. Форс-мажор ҳолатлари

8.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас қуч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер кимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

8.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни огохлантириши шарт.

8.3. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган қуч уч ой ўзлуксиз давом этса, тарафлар, бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиши мумкин.

9. Низони ҳал қилиш тартиби

9.1. Ушбу шартномада ёки унга боғлиқ масалалар юзасидан келиб чиқадиган барча низолар энг аввало тарафларнинг келишув битими орқали ҳал қилинади.

9.2. Тарафларнинг қўшимча келишув битими орқали ҳал қилиб бўлмайдиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жиззах вилоят Дўстлик туманлараро Иқтисодий суди орқали ҳал қилинади.

10. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

10.1. Ушбу шартномага киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат иккала тараф томонидан ёзма равишда тузилиб танлов комиссия қарорига асосан юридик қучга эга бўлади.

10.2. Шартномани тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиш мумкин.

11. Бошқа шартлар

11.1. Ушбу шартнома тарафлардан ҳар бири учун ҳақиқий, бир хил юридик қучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

11.2. Шартномага илова: Ғувоҳнома, санитария-эпидемиологик ҳулоса,

12. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Ижрочи»

«Буюртмачи»

"YAXSHI KO'L" МЧЖ

Пахтакор тумани Мактабгача таълим бўлими

Манзил: Зафаробод тумани
Лолазор ҚФЙ
Тел./факс 99-380-26-19
х/в 20208000205330405001
Банк номи Халқ банк

Манзил: Жиззах вилояти Пахтакор тумани
Дустлик МФЙ Мустаққилик 1 уй
Тел./факс: 72-353-14-56
х/р 100022860082287091100251016
Банк номи Марказий банк Тошкент ш

МФО 00686 СТИР 308 103 180

МФО: 00014

СТИР:305149023

Рахбар О.Эшмуродов

Рахбар Х. Бабаева



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

1. Loyihaning turi
Shartnoma
2. Loyihaning nomi
Maxsulot yetkazib berish shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot
Paxtakor tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan 27.01.2022-yilda tayyorlangan va tizimga kiritilgan.
4. Mas'ul ijrochi
Paxtakor tumani Maktabgacha ta'lim bo'limi mas'ul xodimi A.Ermatov

Paxtakor tumani yuridik xizmat ko'rsatish markaziga Paxtakor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan "YAXSHI KO'L" MЧЖ hamda Paxtakor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi o'rtasida tuzilgan Maxsulot yetkazib berish shartnomasi loyihasi ekspertizadan o'tkazish va xulosa berishlik uchun kelib tushgan.

Ushbu shartnomaning predmeti oziq-ovqat mahsulotlari xarid qilish bo'lib, shartnoma baxosi 4650000 so'mni tashkil qiladi.

O'zbekiston Respublikasining "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunining 71-moddasiga asosan O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmonlari va qarorlari, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining qarorlari asosida to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha amalga oshiriladigan tovarning (ishning, xizmatning) davlat xaridi to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha davlat xaridlari amalga oshirilishi mumkin.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018-yil 27-sentyabrdagi PQ-3953-sonli qarori bilan tasdiqlangan Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar) ro'yxatining 27-bandiga asosan davolash-profilaktika va ta'lim muassasalari uchun oziq-ovqat mahsulotlari xarid qilish uchun to'g'ridan to'g'ri shartnomalar tuzilishi mumkin.

2022-yil 11-yanvardagi Jizzax viloyat xokimligi xuzurida ijtimoiy axamiyatga ega oziq-ovqat tovarlarining asosiy turlariga narh-navoni monitoring va nazorat qilish bo'yicha maxsus komissiya yig'ilishining 01-30-sonli bayoniga asosan davlat byudjetidan mablag' oluvchilar tomonidan joriy yilning yanvar oyi uchun asosiy turdagi oziq-ovqat maxsulotlarini xarid qilish bo'yicha tavsiyaviy narxlar tasdiqlangan. Shartnoma predmeti bo'lgan oziq-ovqat maxsulotlarini narxi ushbu tavsiyaviy narxlarga muvofiq keladi.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011-yil 24-avgustdagi "Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarning xarid qilishda 15 foizdan ortiq miqdorda avans to'lashi mumkin bo'lgan tovarlar (ishlar, xizmatlar)ning turlari ro'yxatini tasdiqlash to'g'risida"gi 241-sonli qaroriga asosan byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarning tovarlarni (ishlarni, xizmatlarni) xarid qilish bo'yicha summasi bir milliard so'mgacha tuziladigan shartnomalarida 30 foiz miqdorida oldindan to'lovni amalga oshirish nazarda tutiladi.

O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni 10-moddasiga asosan xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni

hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak.

Xo'jalik shartnomasida hisob-kitob qilish tartibi belgilanayotganda tovarlar (ishlar, xizmatlar) haqini qonunchilikda belgilanganidan kam bo'lmagan miqdorda oldindan to'lab qo'yish albatta nazarda tutilgan bo'lishi kerak.

Shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni hamda amaldagi fuqarolik qonunchiligiga muvofiq tuzilgan.

Shartnoma loyihasiga yuridik shaxsning davlat ro'yxatidan o'tkazish haqidagi guvohnoma hamda oziq-ovqat maxsulotlariga berilgan sanitar-epidemiologik hulosa ilova qilingan.

Shartnoma loyihasini huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra:

XULOSA QILAMAN:

Paxtakor tuman Maktabgacha ta'lim bo'limi tomonidan "YAXSHI KO'L" MЧЖ hamda bo'lim o'rtasida tuzilgan Maxsulot yetkazib berish shartnomasi loyihasi amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq deb topilsin.

Yuridik xizmat ko'rsatish markazi
Bosh yuriskonsulti
28.01.2022-yil



G.Urakbayev